
Қува туманида “Китобхонлик ҳафталиги” старт олди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда китобхонлик маданиятини ошириш борасида ҳаётга жорий этилаётган кўплаб лойиҳалар мутолаа маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Туманимиздаги Ахборот кутубхона марказида бошланган "Китобхонлик ҳафталиги" туманимизда ҳам китобсеварлар сафи тобора кенгайиб бораётганини яна бир қарра тасдиқламоқда. Ҳафталик доирасида ўтказилган тадбирда сўз олган туман ҳокими ўринбосари Мадийержон Туримов ҳамда Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими раҳбари Миролимжон Жалоловлар бу йилги баҳор маънавий юксалиш, янгиланиш баҳори сифатида туманимиз тарихида алоҳида ўрин эгаллашини таъкидлади. Дарҳақиқат, кейинги пайтларда вилоятимизда, қолаверса туманимизда китобхонлик маданиятини юксалтиришга оид маънавий-маърифий тадбирлар кенг ўтказилиб келинмоқда

26 апрелга қадар давом этадиган ҳафталик доирасида тақдимот, мулоқот, учрашув, давра суҳбатлари, маҳаллаларга махсус библиобуслар воситасида китоб тақдим этиш тадбирлари ва бошқа кўплаб қизиқарли лойиҳалар ўтказилади.

2024-04-22 13:32:55